

1854 - وَعَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «يَخْرُجُ الدَّجَالُ فَيَتَوَجَّهُ قِبَلَهُ رَجُلٌ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ فَيَتَلَقَّاهُ الْمَسَالِحُ: مَسَالِحُ الدَّجَالِ، فَيَقُولُونَ لَهُ: إِلَى أَيْنَ تَعْمِدُ؟ فَيَقُولُ: أَعْمِدُ إِلَى هَذَا الَّذِي حَرَجَ، فَيَقُولُونَ لَهُ: أَوْ مَا تَوَدُّنَ بِرَبِّنَا؟ فَيَقُولُ: مَا بِرَبِّنَا حَفَاءَ، فَيَقُولُونَ: اقْتُلُوهُ، فَيَقُولُ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ: أَلَيْسَ قَدْ هَمَّكُمْ رَبُّكُمْ أَنْ تَقْتُلُوا أَحَدًا دُونَهُ، فَيَنْطَلِقُونَ بِهِ إِلَى الدَّجَالِ، فَإِذَا رَأَى الْمُؤْمِنُ قَالَ: يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّ هَذَا الدَّجَالُ الَّذِي كَرَّرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَأْمُرُ الدَّجَالُ بِهِ فَيُسَبِّحُ، فَيَقُولُ: خُذُوهُ وَشُجُّوهُ، فَيُوسِعُ ظَهْرَهُ وَبَطْنَهُ ضَرْبًا، فَيَقُولُ: أَوْ مَا تَوَدُّنَ بِي؟ فَيَقُولُ: أَنْتَ الْمَسِيحُ الْكَذَّابُ، فَيُؤْمَرُ بِهِ، فَيُؤَشِّرُ بِالْمِنْشَارِ مِنْ مَفْرَقِهِ حَتَّى يُفْرَقَ بَيْنَ رِجْلَيْهِ، ثُمَّ يَمْشِي الدَّجَالُ بَيْنَ الْقِطْعَتَيْنِ، ثُمَّ يَقُولُ لَهُ: قُمْ، فَيَسْتَوِي قَائِمًا. ثُمَّ يَقُولُ لَهُ: أَتُؤْمِنُ بِي؟ فَيَقُولُ: مَا أَزِدُّكَ فِيكَ إِلَّا بِصِيرَةً، ثُمَّ يَقُولُ: يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّهُ لَا يَفْعَلُ بَعْدِي بِأَحَدٍ مِنَ النَّاسِ، فَيَأْخُذُهُ الدَّجَالُ لِيَذْبَحَهُ، فَيَجْعَلُ اللَّهُ مَا بَيْنَ رَقَبَتِهِ إِلَى تَرَفَوْتِهِ مُحَاسًا، فَلَا يَسْتَطِيعُ إِلَيْهِ سَبِيلًا، فَيَأْخُذُ بِيَدَيْهِ وَرِجْلَيْهِ فَيَقْدِفُ بِهِ، فَيَحْسَبُ النَّاسُ أَنَّ قَدْ دَفَعَهُ إِلَى النَّارِ، وَأَمَّا الْقَيِّ فِي الْجَنَّةِ»، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «هَذَا أَعْظَمُ النَّاسِ شَهَادَةً عِنْدَ رَبِّ الْعَالَمِينَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ، وَرَوَى الْبُخَارِيُّ بَعْضَهُ بِمَعْنَاهُ.

«الْمَسَالِحُ»: هُمُ الْخُفْرَاءُ وَالطَّلَانِعُ.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Дажжол пайдо бўлганда мўминлардан бир киши у томонга йўлга чиқиб, кўриқчиларга - Дажжолнинг кўриқчиларига - дуч келади. Улар унга: «Қаёққа кетяпсан?» дейишади. У: «Анави пайдо бўлганнинг олдига кетяпман», дейди. Улар унга: «Сен бизнинг роббимизга ишонмайсанми?» дейишади. У: «Бизнинг Роббимиз(нинг сифатлари) эса махфий эмас», дейди. Улар: «Уни ўлдиришлар», дейишади. Шунда улар бир-бирига «Ахир роббимиз ўзининг изнисиз бирор кишини ўлдиришни ман қилган эди-ку?» дейишади-да, уни Дажжолнинг олдига олиб боришади. Мўмин уни кўргач, «Эй одамлар! Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган Дажжол мана шу!» дейди. Дажжол уни юзтубан ётқизишни буюради ва «Уни ушлаб, бошини ёриб ташланглар», дейди. Унинг орқаси ва қорнига уриб, қаттиқ калтаклашади. У (Дажжол): «Менга иймон келтирмайсанми?» деса, мўмин: «Сен ўша Масих каззобсан», дейди. Кейин у мўминни арралаб юборишни буюради. Унинг бошининг ўртасидан оёқларигача арра тортиб, иккига бўлиб ташлашади. Сўнгра Дажжол икки бўлакнинг орасидан ўтиб, сўнг унга «Ўрнингдан тур», дейди. У (бир бутун бўлиб) ўрnidан туради. Сўнг у яна: «Энди менга иймон келтирасанми?» деса, мўмин: «Ўша (Дажжол) сен эканингга ишончим янада зиёда бўлди. Эй одамлар! Бундан кейин мендан бошқа ҳеч кимни бундай қила олмайди!» дейди. Шунда Дажжол уни сўймоқчи бўлиб ушлайди. Шу пайт мўминнинг гардани билан бўйни ораси (сўя олмаслиги учун) мисдан қилиб қўйилиб, унга (Дажжолга уни сўйишга) имкон берилмайди. Шунда (Дажжол мўминнинг) оёқ-қўлидан ушлаб, улоқтириб юборади. Одамлар уни дўзахга ташланди деб ўйлашади, аммо аслида у жаннатга ташланган бўлади. Ўша киши оламларнинг Робби ҳузурдаги шаҳидларнинг энг буюгидир».